



КУЛ УБАЙДИЙ ДЕВОНИНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Жамолiddин Абдуллаев

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялари университети, Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация Мазкур мақолада Кул Убайдийнинг адабий мероси, адабий мероснинг ўрганилиши билан боғлиқ жараёнлар, шунингдек, шоирнинг бизгача етиб келган туркий, форсий ва арабий тилларда ёзилган икки девон ҳамда ҳикмат ва нома жанридаги шеърлари, адабий мероси таҳрири ва матншунослик аспектидаги тадқиқотлар устида сўз юритилган.

Калим сўзлар. Адабий мерос, таҳрир, матншунослик, шарқ шеърляти, «Куллиёт», адабиёт, филология, қўлёзма, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат.

Аннотация: В статье рассматривается литературное наследие Куль Убайди, процессы, связанные с изучением литературного наследия, а также дошедшие до нас два дивана поэта и поэмы хикмат и нома, написанные на турецком, персидском и арабском языках, редактирование его литературного наследия и исследования в аспекте текстологии.

Ключевые слова. Литературное наследие, редактирование, текстология, восточная поэзия, «Куллиёт», литература, филология, рукописи, шариат, тариқат, просвещение и истина.

Annotation: The article discusses the literary heritage of Qul Ubaydi, the processes related to the study of the literary heritage, as well as the poet's two divans and hikmat and noma poems written in Turkish, Persian and Arabic languages that have come down to us, the editing of his literary heritage, and researches in the aspect of textual studies.

Key words. Literary heritage, editing, textual studies, oriental poetry, "Kulliyot", literature, philology, manuscripts, sharia, tariqat, enlightenment and truth.

Убайдий адабий мероси юртимизда ва хорижда ўрганилган. Шоир адабий меросининг ўрганилиши билан боғлиқ жараёнлар ўтган асрнинг йигирманчи йилларида бошланган. Убайдий ҳаёти ва ижодини Ўзбекистонда А. Фитрат, О. Шарофудинов, А. Иброҳимов, А. Ҳайитметов, С. Ғаниева, хорижлик олимлардан Муҳаммад Фуод Купрули, Тўғон, А. Шиммел сингари забардаст тадқиқотчилар қисман ўрганиб, у ҳақда маълумотлар беришган.

Убайдий девонига оид тадқиқотлар шу кунга қадар асосан битта йўналишда олиб борилган: назарий тадқиқотлар. Матншунослик аспектидаги тадқиқотлар эса энди олиб борилмоқда. Мақолада назарий тадқиқотларнинг дастлабкилари ҳақида маълумот берилди.





Ўзбек матншунослигида XV аср охири – XVI аср бошлари Бухоро адабий муҳитида яшаб ижод қилган маърифатпарвар ижодкорлар адабий меросини ўрганиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди, бироқ бу давр адабиётида тадқиқотчиларни кутаётган мавзулар талайгина экани ҳам айна ҳақиқатдир. Бу орқали «...Аввало халқимизнинг яратувчилик даҳоси билан бунёд этилган ноёб меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш, юртимиздан етишиб чиққан буюк аллома ва мутафаккирларнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолияти ҳақида яхлит тасаввур уйғотиш, ёш авлодни гуманистик ғоялар, миллий ғурур ва ифтихор руҳида тарбиялашдек эзгу мақсадлар кўзда тутилган»¹. Ана шундай ижодкорлардан бири, уч тилда қалам тебратиб, девон тузган Махмуд Султон ўғли Убайдуллохондир.

Маълумки Убайдий Шарқ шеърятининг деярли барча жанрида қалам тебратган шоир. Ундан бизга туркий, форсий ва арабий тилларда ёзилган икки девон ҳамда ҳикмат ва нома жанридаги шеърларни ўз ичига олган йирик Куллиёт (695 бетлик) мерос қолган. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 8931 рақам остида сақланаётган, 1583 йилда Мир Ҳусайн ал-Ҳусайний томонидан кўчирилган Убайдийнинг мазкур “Куллиёт”и ҳанузгача жорий алифбога ўгирилиб нашр этилмаган. Фақатгина 1994 йилда Филология фанлар доктори, профессор Абдукодир Ҳайитметов томонидан Убайдийнинг туркий девонидан олинган намуналардан иборат “Вафо қилсанг” шеърӣй мажмуаси ва “Убайдий рубоийлари” қисман нашр этилган, холос. Ушбу шеърӣй мажмуанинг сўзбошисида Убайдийнинг бу туркий девони мукаммал эмаслигини, унда “ب”, “پ”, “س”, “د”, “ر” каби бир қанча ҳарфларга оид ғазаллар йўқ эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Унинг «Куллиёт» дейилиши асоссиз эмас. Чунки 695 саҳифалик бу ноёб мажмуа чарм муқовали, Самарқанд қоғозида, 18,5x 23 см форматда, насталиқнинг Бухорий хатида кўчирилган бўлиб, унинг биринчи бетиде форс тилида «Қиймати 5 тилло»деб ёзиб қўйилган. Учинчи бетда тилло суви билан “Девони ҳазрати Убайдуллохон” деган ёзув бор ва қўлёзманинг атрофи гул

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси / Халқ сўзи. –Тошкент, 2017, 4 август.





расмлар билан безатилган. «Куллиёт»нинг дастлабки қисмини форсий девони (4-200-бет), ундан сўнгги қисмини арабий шеър мажмуаси, 201-210-бетлар), ниҳоят учинчи қисмини туркий девони (211—695-бет) ташкил этади².

Мазкур девоннинг тўлиқ бўлмаган нусхалари Туркия ва Британия музейларида сақланмоқда. Шоирнинг яна бир девони “Масоил ус-салот”, ҳикмат, рубойи, таржеъбанд ва нома жанрларидан иборат бўлиб, ҳозирда Туркиядаги “Нур Усмония” кутубхонасида 4904 рақами билан сақланади. «Жоми-ул маоний» номли мажмуадан эса Убайдийнинг асосан диний-тасаввуфий мавзуга мансуб бир қанча ғазаллари, 4 рубойиси, 1 таржибанд, маснавий, таҳорат, намоз, рўза ҳақида муқаддимасиз бир маснавийси, «Ғайратнома», «Сабрнома» ҳамда «Шавқнома» номли асарлари ўрин олган. Бу мажмуъани Убайдуллохон котиби, ҳиротлик Муҳаммадали (Мир Али) котиб томонидан кўчирилган деб тахмин қилдик. Чунки ҳусни хат унинг хати билан айнан бир хил. «Девони Убайдуллохон» номи ила аталган мажмуаси 136 та ғазал, мухаммас, 1 та таржеъбанд ва 37 та рубойини ўз ичига олган бўлиб, яна шу ном билан 51та ғазал, 1та рубойи, 6 та фарддан ва Аҳмад Яссавийга бағишланган бир мадҳиядан таркиб топган терма баёз Кўнёда Иззат Қуюн ўғлининг хусусий кутубхонасида сақланар экан.

Ўтган асрнинг 90-йилларида АҚШнинг Блумингтон шаҳридаги Индиана университетида бир неча ой лекция ўқиб келган тилшунос ва навоийшунос олим Эргаш Умаров қайтишда Англиянинг Британия музейида 7907 рақам остида сақланаётган ва Убайдийнинг шу вақтгача бизга номаълум бўлган туркий девонининг янги қўлёзмаси ксерокопиясини олиб келади ва Алишер Навоий номидаги Адабиёт институтининг Навоий бўлимига тухфа қилади³. Мазкур қўлёзманинг Лондон нусхасини ўрганар эканмиз, унда шоир шеърлари замонасининг энг машҳур хаттоти, Алишер Навоий томонидан “Мажолисун-нафоис”да “Хаттотлар қиблагоҳи” деб таърифланган Султон Али Машҳадий (1433-1520) қўли билан 1507-1512 йиллар орасида махсус кўчирилган. Қўлёзма 78 варақдан иборат бўлиб, унинг колофонида котиб бу қўлёзmani кўчирилиши тарихига доир қуйидаги жумлани ёзиб қўйган:

² Бу ҳақда қаранг: Абдуллаев М.Х. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. Номзодлик диссертацияси. – Тошкент. 2000. 9-10-бетлар.

³ Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. 24-28-бетлар.





“Нозимнинг кўрсатмаси билан, – олийлик ва аълолик эгаси – Оллоҳ Таоло бу дунёни тарк этувчи мусулмонлар орасида унинг умрини абадий қилсин, (ушбу девонни) Султон Али Машҳадий, – Худо гуноҳларини кечиргай, – китобат қилиш шарафига муяссар бўлди”. Мазкур қўлёзма шоир тириклигида кўчирилган бўлиб, унда шеърларнинг умумий миқдори “Куллиёт”дагига қараганда кам. “Куллиёт”нинг туркий қисмида 310 дан ортиқ ғазал, 428 та рубой, 25 та қитъа, 11 та туюқ, 18 та маснавий, 7 та муаммо, 2 та ёр-ёр мавжуд бўлса, Лондон нусхасида эса 263 та ғазал, 62 та рубой бор, холос. Шунингдек, “Куллиёт”да шеърнинг бошқа турлари ҳам кўп. Убайдий туркий девонининг мазкур Лондон нусхасининг қимматли бир жиҳати шундаки, “ب” ҳарфи қисмида “Куллиёт”да йўқ 3 та, “ت” ҳарфи қисмида 5 та, “س” ҳарфи қисмида 8 та, “ز” ҳарфи қисмида 41 та, “د” ҳарфи қисмида 1 та янги ғазал мавжуд. Бошқа ҳарфларга оид қисмларда ҳам маълум тафовутлар бор. Масалан, “ا” ҳарфида “Куллиёт”да 44 та, бунда эса 38 та, “م” ҳарфи бўйича 15 та, бунда 8 та, “ن” да 58 та, бунда 42 та, “ى”да 83 та, бунда 47 та, “نگ”да 26 та, бунда 16 та ғазал бор⁴. Форсий девонда эса 163 ғазал, 418 рубой, 7 қитъа, биттадан фард, маснавий, таржибанд ва 3 муаммо бор⁵.

Тадқиқотимиздан шу маълум бўлдики “Куллиёт”да шеърларнинг Лондон нусханикига нисбатан кўпроқлиги сабаби аввало унинг шоир вафотидан сал кам ярим аср ўтгандан кейин кўчирилганида. Биз Убайдий девоннинг ҳозирда Туркиядаги “Нур Усмоғия” кутубхонасида 4904 рақами билан сақланаётган нусхасини ҳикмат қисмини шу кунларда нашрга тайёрлаб китоб холида чоп эттирдик. Маълумки туркий адабиётда биринчилардан бўлиб ҳикмат яратган Аҳмад Яссавийнинг “Девони ҳикмат” асари ўзбек адабиётида, хусусан, Яссавий мактаби шоирлари ижодида ҳикматнавислик анъанасининг муваффақият билан давом этишини таъминлади. Адабиётшунос олим А. Фитрат ва турк олими М.Ф. Кўпрулузода ҳикмат жанрида унумли ижод қилган Ҳуббий, Шамс, Иқоний, Қул Шараф, Фақирий каби шоирларни номларини кўрсатиб ўтишган. Шулар орасида Убайдий ҳам бор. Абдурауф фитрат “Қул Убайдий”, “Убайдий” тахаллуслари билан ҳикматлар ёзган бу одам бизнинг фикримизча, машҳур ўзбек хони Убайдуллохондан бошқа киши эмас”, дея ўз таҳминида янглишмаган эди.

⁴ Абдуллаев М.Х, Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. 20-бет.

⁵ Очилов Э. Дийдор орзуси. – Тошкент. 2007. 16-бет.





Кейинчалик Убайдуллохоннинг Бухорода топилган девони ва Туркияда “Нури Усмония” кутубхонасида сақланаётган қўлёзмадан унинг фикрлари тўғрилиги тўла исботини топди.

Убайдий ижодида, хусусан ҳикматларида, Яссавийникида бўлганидек, шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат босқичларига тегишли масалалар изчил тарзда таъриф ва таълқин этилмаган бўлса-да, сайри сулукнинг ахлоқий, маърифий, руҳоний жиҳатдан ибратли ҳақиқатлари атрофлича бадиий бўёқлар билан очиб берилган.

Эй дўстлар, жондан кечиб, ишқ этогин туттум мано,
Ваҳдат майин ичгунча не хунобалар юттум мано.

Уч юз олтмиш дарё ўто юрмай киши суд айламас,
Тўрт юз қирқ тўрт тоғдин ошиб, борисидан ўттим мано.

Восил мени васлиға Ул қилди, муродим васл эди,
Юз минг шукр ҳар дам Анга, мақсудума етдим мано.

Чун мосиваллоҳ кўйида истаб мени тобмас киши,
Бас ўзга ерда истангиз, ул кўйдин кеттим мано.

Солиҳ топа олмас нишон мендин талаб водийсида,
Эй қул Убайдий, жон киби истай Они, еттим мано.

Убайдий ҳикмат жанрида самарали ижод қилгани айни ҳақиқат. Ундан 1786 байтдан иборат 220 дан ортиқ ҳикмат етиб келган. Лекин бу ҳикматлар шоир ижодининг қайси даврлари маҳсули, деган саволни юзага келтириши табиий, албатта. Негаки шоирнинг тахминан 1516 йилларда Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган девонида ҳикмат жанридаги шеърлар киритилмаган. Унинг “Куллиёти” эса Убайдий вафотидан кейин 1583 йилда кўчирилган⁶. Убайдий Аҳмад Яссавий ҳикматлари билан жуда ёшлигидан танишгани ва уларни қизиқиб ўқиб-ўрганганини инобатга олинса, унинг ижодини илк даврларидаёқ ҳикматлар яратганлиги ҳақиқатга яқиндир. Убайдий

⁶ Абдуллаев М.Х. Убайдий ҳаёти ва адабий фаолияти. 20-бет.





хикматларидаги ҳар бир сўз, ҳар бир истилоҳ ёки мисра инсонни маънан илгарилаш, хаёлан юксалишга чорлайди. Ундаги оҳанг, ундаги ранг, ўзгача ифодалардаги шеър файзидан қалблар, албатта, сайқал топади.

Натижалар ва муҳокамалар. Убайдий девонларини матний тадқиқ қилиб, зарур изоҳлар билан нашр этиш адабиётшунослигимизнинг жуда муҳим ва алоҳида аҳамиятга молик вазифалардан биридир. Чунончи Убайдий сиёсий фаолиятининг ижобий томонлари ва мумтоз адабиётга қўшган ижодий ҳиссаси хусусида ўша замонларда яратилган тазкира ва тарихий асарларда эътиборга молик фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Тадқиқотда ушбу илмий-адабий манбаларга асосланиб, китобхонлар эътиборига зарур маълумотлар ҳамда мулоҳазалар ҳавола этилади. Бу масала ишда далил-мисоллар орқали атрофлича кўрсатиб берилади. Шунинг учун Ўзбекистондаги нусхаси асосида туркий девонини матний-текстологик тадқиқ этишни мақсад қилиб белгиладик. Тадқиқотимиз натижасида, шоирнинг 310 дан зиёд ғазаллари, 25 қитъа, 11 туюқ, 445 га яқин рубоий, 700 байтдан иборат 18 маснавий, 7 муаммо, ахлоқий-дидактик мавзулар талқинига бағишланган “Омонатнома”, “Шавқнома”, “Ғайратнома”, “Сабрнома” деб аталган манзумалар ва 135 га яқин хикмат жанридаги шеърларини матний қиёслаб чиқиш имконига эга бўладик.

Турк олими М.Ф. Купрули Убайдийнинг Қуръон кироати, тафсир, ҳадис ва фикҳ каби диний илмларни мукамал эгаллаган, арбча ва форсийни шеър ёзиш даражасида мукамал билгани, наққош, хаттот ва мусиқашунос, маърифатли бир шоҳ ва истеъдодли шоир сифатида таърифлайди. Убайдуллоҳон умрини кўпроқ сиёсий ва ҳарбий курашларда ўтказганига қарамай ўзбек мумтоз адабиёти ривожига ўз улушини қўша олди. У 1540 (945-46 ҳижрий) йилда танасида пайдо бўлган касалликдан вафот этади ва васиятига мувофиқ Бухорода Хожа Нақшбанд Баҳовуддин оёқ учи тарафга дафн этилади. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Убайдий ўзининг қисқа умри (53 йил) давомида асрлардан асрларга, авлодлардан авлодларга ўтиб, хотираланиб, улуғланиб, шарафланиб келинаётган буюк сиймолар Ҳожа Аҳмад Яссавий, Лutfий, Саккокий, Мир Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурлар каби ўзбек адабиётида салмоқли ишларни бажаришга улгурди. Ўзидан кейинги авлодларга бебаҳо, нодир асарлар қолдирди. Минг афсуслар бўлсинки узок йиллар давомида унинг ижод хазинаси бутун борлигини бизга тўлиғича намоён қилолгани йўқ. Биз ҳамон унинг





адабиётимизда тутган муносиб ўрнидан беҳабар қолмоқдамиз. Шу сабдан тадқиқотимиз давомида шоирнинг Девонини матний тадқиқ этиб, Убайдий қуллиётини келажак авлодларга тушунарли қилиб етказмоқчимиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А. Яссавий. Девони ҳикмат. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1992. –208 б.
2. Қул Убайдий. Вафо қилсанг. –Т.: Ёзувчи, 1994. – 79 б.
3. А. Фитрат, Аҳмад Яссавий // Маориф ва ўқитувчи. – 1927.
4. А. Фитрат. Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар // Маориф ва ўқитувчи. - 1928. - № 56. - Б. 49-52.
5. О. Шарофуддинов. Ўзбек адабиёти тарихи хресто-матияси. II том. –Т.: Ўздавнашр, 1945. – 704 б.
6. Ҳайитметов А. Адабий меросимиз уфқлари. –Т.: Ўқитувчи, 1997. –240 б.
7. Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. –Т.: Чўлпон, 1991. – 184 б.
8. Купрулизода М.Ф. Турк адабиётинда илк мутасаввифлар. – Анқара: 1984. – 220 б.

